



ЎЗБЕКИСТОНДА ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ ТИЗИМИНИ ЭКОНОМЕТРИК МОДЕЛЛАШТИРИШ ОРҚАЛИ ИСЛОҲ ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИ

Сирлиев Акмалжон Мамарасулович

Ўзбекистон Республикаси Банк молия академияси магистранти

Тел: +99899-879-75-73

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11220791>

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 10-May 2024 yil

Ma'qullandi: 15-May 2024 yil

Nashr qilindi: 20-May 2024 yil

KEY WORDS

пенсия, пенсия жамғармаси, эконометрик моделлаштириш, корреляция коэффициенти, пенсия олувчилар, энг кичик квадратлар усули, пенсия ёши, мултиколлинеарлик, Дарбин-Ватсон статистикаси, пенсия тизими, демография.

ABSTRACT

Мақолада пенсия жамғармаси даромадлари ўзгаришларига таъсир этувчи омиллар аниқланган ҳамда уларнинг статистик кўрсаткичлари ўрганилган. Ўрганишлар асосида бир қатор назарий қарашлар илгари сурилган. Ундан ташқари тадқиқот вазифаларидан келиб чиққан ҳолда пенсия таъминоти тизими ва ундаги муаммоларнинг илмий-назарий асосларига тааллуқли назарий натижа ва хулосалар шакллантирилган.

Ўзбекистон Республикасида фуқаролар пенсия таъминоти тизimini барқарор ривожлантириш келажакда фуқароларнинг фаровон ҳаёт кечиришлари учун етарли миқдорда пенсиялар билан таъминлаш ва бир вақтнинг ўзида пенсия таъминоти тизимининг молиявий барқарорлигини таъминлашни назарда тутди. Бир вақтнинг ўзида пенсия миқдорларининг пенсионерлар эҳтиёжларини етарли даражада қондира олмаслиги ва пенсия тўловларини молиялаштириш учун шакллантириладиган жамғарма(лар) даромадларининг етишмаслиги ҳозирги кунда пенсия тизимидаги асосий муаммолардандир.

Адабиётлар шарҳи

Сўнгги йилларда Ўзбекистон пенсия таъминоти тизимининг ҳам такомиллаштирилиши ва ислоҳотга муҳтожлиги давлат даражасида эътироф этилди ҳамда тизимда бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилди. Хусусан, ишловчи пенсионерларга пенсияларнинг тўлиқ миқдорда тўланиши, пенсия миқдорини аниқлаш учун ҳисобга олинadиган ўртача ойлик иш ҳақи миқдорининг юқори чегарасининг оширилиши кабилар шулар жумласидандир. Бироқ, «миллий пенсия тизimini такомиллаштириш, ижтимоий суғурта тизimini ислоҳ қилиш, шунингдек,

уч даражали пенсия таъминоти тизимига ўтиш зарурлиги»(Мирзиёев, 2020)¹ мамлакат Президенти томонидан алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Бир вақтнинг ўзида жамият аъзоларининг каттагина сегменти пенсия таъминотидан қониқмаслиги ва аксарият ҳолларда ҳукумат томонидан жамият аъзолари томонидан салбий қабул қилинадиган пенсия ислоҳотларининг амалга оширилаётганлиги билан боғлиқ муаммоларнинг сабаблари нималардан иборатлиги ва унинг ижобий ҳал этилиши муҳим аҳамиятга эга.

Пенсия тизимини ислоҳ қилиш бўйича тадқиқотлар олиб борган бир гуруҳ хорижий иқтисодчилардан Д.Блум, С.Четтерджи, П.Ковал, П.Лойд-Шерлок, М.Макки, Б.Речел, Л.Розенберг, Ж.Смит кабилар фикрича, «кексалар улушининг ортиши уларнинг парвариши ва соғлиғи учун харажатларни ҳам ортишига, бу эса пенсия юқининг ошишига олиб келади, пировардида пенсия таъминоти сиёсатини қайта кўриб чиқилишини тақозо қилади» (Блум ва б., 2021)².

Иқтисодчи-олимлардан С.Гох, Р.Макновн, К.Вонглар томонидан аҳолининг ёш тақсимотидаги ўзгаришлар муҳим макроиқтисодий таъсирга эга эканлиги тадқиқотлар орқали исботланган. Уларнинг фикрича, «узоқ давр мобайнида ички инвестициялар, реал ЯИМ ҳажми, инфляция, солиқ баланси ва жорий операциялар балансига демографик ўзгаришларнинг таъсири статистик жиҳатдан аҳамиятли ва жуда кучли» (Гох ва б., 2022)³.

Э.Папапетроу, П.Салапорта каби олимларнинг илмий тадқиқотларида «умр кўриш даражаси узайишининг салбий таъсирини юмшатиш борасида чора-тадбирлар ишлаб чиқишда меҳнат бозори сиёсати, пенсия ислоҳотлари, инсон капиталига кўпроқ инвестициялар ва технологик инновацияларга устувор аҳамият берилиши зарур» (Папапетроу ва б., 2021)⁴лиги алоҳида қайд этилган.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йилнинг 21 ноябр куни аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш соҳасидаги устувор вазифалар муҳокамасига бағишланган йиғилишидан. <https://uza.uz/oz/posts/aholini-ijtimoiy-muhofaza-qilish-sohasida-yangi-tizim-joriy--21-11-2019>.

² Bloom, D.E., Chatterji, S., Kowal, P., Lloyd-Sherlock, P., McKee, M., Rechel, B., Rosenberg, L., Smith, J.P. Macroeconomic implications of population ageing and selected policy responses. Volume 385, Issue 9968, 14 February 2015, Pages 649-657. The Lancet <https://www.scopus.com/record/display.uri?eid=2-s2.0-84923043346&origin=resultslist&sort=cp-f&src=s&nlo=&nlr=&nls=&sid=85d20af1f9fdfa9f60444019f701f909&sot=b&sdt=b&sl=32&s=TITLE-ABS-KEY+%28pension+problems%29&relpos=8&citeCnt=223&searchTerm=>

³ Goh, S.K., McNowan, R., Wong, K.N. Macroeconomic implications of population aging: Evidence from Japan. Volume 68, June 2020, Article number 101198 Journal of Asian Economics. <https://www.scopus.com/record/display.uri?eid=2-s2.0-85085145200&origin=resultslist&sort=plf-f&cite=2-s2.0-84923043346&src=s&nlo=&nlr=&nls=&imp=t&sid=070e4f7b8525503a0394752466abbfc1&sot=cite&sdt=a&sl=0&relpos=30&citeCnt=0&searchTerm=>

⁴ Papapetrou, E., Tsalaporta, P. The impact of population aging in rich countries: What's the future? Volume 42, Issue 1, January - February 2020, Pages 77-95. Journal of Policy Modeling. <https://www.scopus.com/record/display.uri?eid=2-s2.0-85078798801&origin=resultslist&sort=plf-f&cite=2-s2.0->

Таҳлил ва натижалар

Амалдаги қонунчиликка кўра, мамлакатимизда пенсия тўловларини молиялаштирувчи Пенсия жамғармасининг даромад ва харажатлари баланслашган ҳолатида бўлиши зарурлиги белгиланган. Пенсия жамғармасининг даромадлари эса асосан меҳнат ҳақи фондига нисбатан белгиланган ставкаларда ҳисобланувчи ижтимоий солиқ ва давлат бюджети трансфертлари ҳисобига шаклланади. Мазкур жараённи математик жиҳатдан қуйидагича тасвирлаш мумкин:

$$O'PM_t * PS_t \leq \sum_{i=1}^k (MHF_t * ISS_t) + \sum_{m=1}^n (QIST_t * QISS_t) + \sum_{z=1}^l (IBT_t * IBS_t) + T_t + e \quad (1)^5$$

Мазкур тенгламанинг ўзгартирувчилари тавсифи: $O'PM_t$ – t -даврдаги ўртача пенсия миқдори; PS_t – t -даврдаги пенсионерлар сони; MHF_t – t -даврдаги меҳнат ҳақи фонди; ISS_t – t -даврдаги ижтимоий солиқ ставкаси, MHF_t га нисбатан фоизларда; $QIST_t$ – t -даврдаги қатъий ижтимоий солиқ тўловчилар сони; $QISS_t$ – t -даврдаги қатъий ижтимоий солиқ ставкаси; IBT_t – t -даврдаги ихтиёрий бадал тўловчилар сони; IBS_t – t -даврдаги ихтиёрий бадал ставкаси, қатъий миқдорларда; T_t – t -даврдаги Давлат бюджети трансфертлари; e – бошқа ҳисобга олинмаган омиллар. i, k, m, n, z, l – бир турдаги ўзгарувчиларнинг дифференциаллигини ифодаловчи кўрсаткичлар.

(1) тенгламада фуқароларнинг 2019 йилгача пенсия таъминотини маблағ билан таъминлашда иштирок этган фуқароларнинг мажбурий суғурта бадаллари ва товар (иш, хизмат)лар реализациясидан мажбурий ажратмалар қўшилмаган. Бундан ташқари тенгламанинг чап томонида маълум даврларда Пенсия жамғармасидан тўланган ижтимоий нафақалар ҳам қўшилмаган. Зарур ҳолларда таҳлил учун юқоридаги формулага улар ҳам қўшилиши мумкин. Ўртача пенсия миқдорини топиш эса қуйидаи формула орқали ҳисобланади:

$$O'PM_t = \frac{PX_t}{PS_t} \quad (2)^6$$

Мазкур тенгламанинг ўзгарувчилари тавсифи: PX_t – жами пенсия харажатлари; PS_t – жами пенсионерлар сони.

Жами пенсия харажатларини топиш формуласи

$$PX_t = \sum_{i=1}^{PS} PM_t \quad (3)^7$$

Мазкур тенгламанинг ўзгарувчилари тавсифи: PM_t – t -даврдаги пенсия миқдори; PS – t -даврдаги пенсия олувчилар сони.

Жами пенсия харажатларини пенсия турлари кесимида ҳисоблашнинг дифференциал тенгламаси қуйидагича бўлади:

$$PX_t = \sum_{i=1}^{PS_{YDP}} YDPM_t + \sum_{i=1}^{PS_{NP}} NPM_t + \sum_{i=1}^{PS_{BYP}} BYPM_t \quad (4)^8$$

Бу ерда: $YDPM_t$ – t -даврдаги ёшга доир пенсия миқдори; NPM_t – t -даврдаги ногиронлик пенсияси миқдори; $BYPM_t$ – t -даврдаги боқувчисини йўқотганлик пенсияси миқдори; PS_{YDP} – t -даврдаги ёшга доир пенсионерлар сони; PS_{NP} – t -даврдаги

84923043346&src=s&nlo=&nlr=&nls=&imp=t&sid=070e4f7b8525503a0394752466abbfc1&sot=cite&sdt=a&sl=0&relpos=49&citeCnt=0&searchTerm=

⁵ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

⁶ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

⁷ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

⁸ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

ногиронлик пенсияси олувчилар сони; $PS_{BYP} - t$ -даврдаги боқувчисини йўқотганлик пенсияси олувчилар сони;

Пенсия турлари кесимида ўртача пенсия миқдорини ҳисоблашнинг дифференциал тенгламаси:

Ёшга доир пенсия бўйича:

$$O'PM_{YDP} = \frac{\sum YDPM_t}{\sum PS_{YDPt}} \quad (5)^9$$

Ногиронлик пенсияси бўйича:

$$O'PM_{NP} = \frac{\sum NPM_t}{\sum PS_{NPt}} \quad (6)^{10}$$

Боқувчисини йўқотганлик пенсияси бўйича:

$$O'PM_{BYP} = \frac{\sum BYPM_t}{\sum PS_{BYPt}} \quad (7)^{11}$$

Ўртача пенсия миқдорини топишнинг дифференциаллашган формуласи:

$$O'PM_t = \frac{\sum YDPM_t + \sum NPM_t + \sum BYPM_t}{\sum PS_{YDPt} + \sum PS_{NPt} + \sum PS_{BYPt}} \quad (8)^{12}$$

Ҳозирги кунда пенсия таъминотининг амалдаги ҳолатидан келиб чиқиб, таҳлилларни амалга оширишда юқоридаги дифференциаллашган формулалардан фойдаланиш мумкин. Юқоридаги формулалар амалдаги пенсия таъминоти тизими кўрсаткичлардан келиб чиқиб шакллантирилган.

Давлат пенсия тизимини ислоҳ этиш, энг аввало, демографик ўзгаришларга боғлиқлиги учун узоқ муддатларни ўз ичига олади. Бу борада амалга оширилган ўзгаришлар ва янгиланишлар жуда узоқ муддат ўтгач ўз самарасини беради ёки салбий таъсирини кўрсатади. Бунинг исботи сифатида жаҳоннинг кўплаб мамлакатларида амалга оширилган пенсия таъминоти тизими ислоҳотлари натижаларида ҳам кўриш мумкин. Қисқа муддат давомидаги қилинган ўзгаришлар жамиятда ёки норозиликни келтириб чиқаради ёхуд иқтисодийга оғир юклама бўлиши халқаро тажрибалардан маълум.

1-жадвал

Ўзбекистонда 2010-2021 йиллар давомида тайинланган пенсиялар сони ҳамда пенсия ёшидаги аҳолининг жами аҳоли сонидagi улуши¹³

Кўрсаткичлар	Тайинланган пенсиялар сони (ТР), та	55 ёш ва ундан ошган аёлларнинг жами аёллар сонидagi улуши (A55), фоизда	60 ёш ва ундан ошган эркакларнинг жами эркаклар сонидagi улуши (E60), фоизда
2010 йил	193188	9.5569	5.1964
2011 йил	116363	9.8792	5.3639
2012 йил	129112	10.2072	5.4949
2013 йил	139219	10.571	5.6738
2014 йил	157491	10.9941	5.8219

⁹ Тадқиқотчи томонидан ишлаб чиқилган.

¹⁰ Тадқиқотчи томонидан ишлаб чиқилган.

¹¹ Тадқиқотчи томонидан ишлаб чиқилган.

¹² Тадқиқотчи томонидан ишлаб чиқилган.

¹³ Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

2015 йил	195928	11.4081	5.9937
2016 йил	225317	11.8595	6.2052
2017 йил	251894	12.3291	6.4598
2018 йил	277397	12.7774	6.7351
2019 йил	277261	13.2056	7.0674
2020 йил	275109	13.6006	7.3919
2021 йил	330450	13.929	7.662

Пенсия тизимини ислоҳ қилиш, юқорида таъкидлаганимиздек, демографик омиллар билан параллел амалга оширилиши зарурдир. Пенсия тизимида, хусусан, пенсионерлар сонига таъсир қилувчи муҳим омил шубҳасиз аҳолининг умр кўриш давомийлигидир. Тадқиқотимизда пенсионерлар ва нафақа олувчилар сонининг ўзгаришига умр кўриш давомийлиги ўзгаришини Ўзбекистон мисолида таҳлил қилишга ҳаракат қилиб кўрамиз. Бунинг учун дастлаб омил ва натижавий ўзгарувчиларни саралаб оламиз. Умр кўриш давомийлигининг ўзгаришларини ифодаловчи кўрсаткичлар сифатида пенсия ёшидаги аёллар ва эркакларнинг жами аёллар ва эркаклар сонига улушининг 2010-2021 йиллардаги кўрсаткичларини, натижавий белги сифатида, айнан, ўша йилларда тайинланган пенсиялар сонини оламиз ҳамда назарий жиҳатдан пенсия ёшидаги аҳолининг жами аҳолидаги улуши ўзгариши тайинланувчи пенсияларга таъсир қилади, деган гипотезани кўямиз (1-жадвалга қаранг). Жадвал маълумотларини эконометрик таҳлил қилиш асосида тайинланувчи пенсиялар сонига пенсия ёшидагиларнинг улуши ўзгаришларининг қанчалик таъсир кўрсатишини прогноз қилишимиз мумкин бўлади. Таҳлилнинг илк босқичида танланган омилли белгилар ва натижавий белги ўртасида ҳақиқатда корреляцион боғлиқлик борлигини корреляция коэффициенти орқали текшириб оламиз (2-жадвалга қаранг).

2-жадвал

Ўзбекистонда 2010-2021 йиллар мобайнида тайинланган пенсиялар сони ҳамда пенсия ёшидаги аҳолининг жами аҳоли сонига улуши ўртасидаги корреляция коэффицентлари¹⁴

ТР	A55	E60	Кўрсаткичлар
1.0000	0.9158	0.9131	ТР
	1.0000	0.9907	A55
		1.0000	E60

Мисолимизда тайинланган пенсиялар сони билан жами аёллар сонига 55 ёшдан ошганларнинг улуши (A55) ҳамда жами эркаклар сонига 60 ёшдан ошганларнинг улуши (E60) ўртасидаги корреляция коэффициенти мос ҳолда 0,9158 ва 0,9131 га тенг. Демак, омиллар ўртасида жуда кучли боғлиқлик мавжуд. A55 ва E60 кўрсаткичларининг ўзаро корреляцияси 0,9907 га тенг, бироқ улар ўртасида аслида ҳеч қандай ўзаро таъсир йўқ, шунинг учун мултиколлинearлик (одатда,

¹⁴Тадқиқотчи томонидан Гретл дастурий мажмуасида ҳисобланган.

мультиколлинеарлик масаласи икки ёки ундан ортиқ мустақил ўзгарувчилар ўртасида тахминий чизиқли муносабатлар мавжуд бўлганда пайдо бўлади) масаласини ҳисобга олишимиз шарт эмас.

Қўйилган гипотеза бўйича танланган омиллар иштирокида таҳлилларни амалга ошириш орқали керакли ва барча шартларни қаноатлантирувчи регрессия тенгламасини тузамиз (3-жадвал)

3-жадвал

Ўзбекистонда 2010-2021 йиллар давомида тайинланган пенсиялар сони ҳамда пенсия ёшидаги аҳолининг жами аҳоли сонигаги улушлари таъсирининг регрессия тенгламаси¹⁵

Омиллар	Коэффициент	Стандарт хатолик	t-статистика	P-қиймат	Ишончлик даражаси
const	2.24609	1.30165	1.726	0.0985	*
Ln A55	6.87069	1.38887	4.947	0.0008	***
Ln E60	-3.79362	1.20408	-3.151	0.0117	**
Қолдиқлар йиғиндиси квадратлари		12.80837	Стандарт хатолик		1.192959
R-квадрат		0.945712	Мослашган R-квадрат		0.933649
F-статистика(2, 12)		78.39196	P-қиймат (F)		2.02e-06
Логорифмик яқинлиги ҳақиқатга		-17.41841	Акаике мезони		40.83683
Шварц мезони		42.29155	Ханна-Куин мезони		40.29824
Rhopараметри		0.072050	Дарбин-Уотсон статистикаси		0.888299

Изоҳ: *** 1 фоизлик муҳимлик даражасида статистик жиҳатдан аҳамиятли; ** 5 фоизлик муҳимлик даражасида статистик жиҳатдан аҳамиятли; *10 фоизлик муҳимлик даражасида статистик жиҳатдан аҳамиятли.

Моделни тузишда кўрсаткичларнинг натурал логарифмланган қийматларида вариация кўрсаткичлари кичикроқ бўлганлиги сабабли кўрсаткичларнинг логарифмланган қийматларида фойдаландик. Энг кичик квадратлар усули орқали таҳлилни амалга ошириб, ўзимиз учун керакли оптимал регрессия тенгламасини танлаб олдик (2.9-жадвалга қаранг). Бу ерда боғлиқ ўзгарувчи сифатида тайинланган йиллик пенсияларнинг натурал логарифмланган қийматлари (LnTP) олинган, эркин ўзгарувчилар сифатида эса пенсия ёшидаги аёлларнинг жами аёллар сонигаги улушининг натурал логарифмланган қиймати (LnA55) ва пенсия ёшидаги эркекларнинг жами эркеклар сонигаги улушининг натурал логарифмланган қиймати (LnE60) олинган.

¹⁵ Ҳисоб-китоблар тадқиқотчи томонидан Гретл дастурий мажмуасида ҳисоблаб чиқилган.

Моделнинг индуктив таҳлили: тузилган регрессия тенгламасининг ҳақиқатда яроқли эканлигини кўрсатувчи *Фишер-Снедекор* F -мезонининг қиймати 0,05 дан кичик ва тузилган моделimiz қўллаш учун яроқли. Танлаб олинган омил ўзгарувчилар $\ln A55$ ва $\ln E60$ ларнинг коэффицентларининг қўллашга яроқлилигини кўрсатувчи *Стюдент*нинг t -мезони бўйича текширилганда 0,05 дан кичиклиги ва яроқли эканлиги тасдиқланди. Тузилган моделда автокорреляция муаммосининг мавжуд эмаслигини текширувчи *Дарбин-Ватсон* статистикаси (0,8883) ҳам керакли (0,569;1,274) ораликда эканлиги моделimizда автокорреляция муаммоси йўқлигини тасдиқлайди. Демак, мазкур модел индуктив таҳлил бўйича қўллаш учун яроқли. Моделнинг интерпретацион таҳлили:

$$\ln TP = 6.87069 * \ln A55 - 3.79362 \ln E60 + 2.24609 + e \quad (9)$$

Бу ерда: $\ln TP$ – йил давомида тайинланган пенсияларнинг натурал логарифмланган қиймати; $\ln A55$ – пенсия ёшидаги аёлларнинг жами аёллар сонидаги улушининг натурал логарифмланган қиймати; $\ln E60$ – пенсия ёшидаги эркекларнинг жами эркеклар сонидаги улушининг натурал логарифмланган қиймати; $const$ – бошланғич қиймат; e – ҳисобга олинмаган омиллар.

Тузилган тенгламанинг детерминация коэффиценти 0,9336 га тенг бўлиб, ҳосил қилинган модел орқали йил давомида тайинланадиган пенсиялар сони ўзгаришининг 93,36 фоизини тушунтириш мумкин. $\ln A55$ нинг олдида турган коэффицент (6,87069) – пенсия ёшидаги аёлларнинг жами аёллар сонидаги улушининг 1 фоизга кўпайиши (камайиши) тайинланадиган пенсиялар сонининг 6,87 фоизга кўпайиши (камайиши)ни, $\ln E60$ нинг олдида турган коэффицент (-3,79362) пенсия ёшидаги эркекларнинг жами эркеклар сонидаги улушининг 1 фоизга кўпайиши (камайиши) тайинланадиган пенсиялар сонининг 3,79 фоизга камайиши (кўпайиши)ни ифодалайди.

Тадқиқотнинг энг муҳим босқичи бу ўтказилган таҳлиллар асосида келгуси даврни прогнозлаштиришдир. Биз ҳам тадқиқот натижасида олинган модел асосида прогнозлашни амалга ошираемиз.

Пенсия ёшидаги эркекларнинг жами эркеклар сонидаги улуши ($E60$) 1-сценарий бўйича 2022 йилда 7,9442 фоиздан 2027 йилда 9,3255 фоизга етади, 2021 йилдаги кўрсаткичдан мос равишда 1,6635 фоиз пунктга ортади. Пессимистик сценарий бўйича 2022 йилда 7,8643 фоиз бўлишини, 2027 йилда эса 8,6393 фоизга етади ва 2021 йилга нисбатан 0,9773 фоиз пунктга ортади. Оптимистик сценарий бўйича эса бу кўрсаткичлар мос равишда 2022 йилда 8,0242 фоиздан 2027 йилда 10,0118 фоизга етиши ҳамда 2021 йилдаги кўрсаткичдан 2,3498 фоиз пунктга ортиши мумкин.

4-жадвал

2022-2027 йиллар давомида тайинланувчи пенсиялар сони прогнозлари¹⁶

Йиллар	1-сценарий	2-сценарий (пессимистик сценарий)	3-сценарий (оптимистик сценарий)
2022	320639	317144	324183

¹⁶ Муаллиф томонидан эконометрик модел асосида тузилган.

2023	341011	342829	339454
2024	362337	374803	351272
2025	384686	412411	361027
2026	408032	455814	369348
2027	432411	505415	376670

Ҳар уччала сценарий бўйича ҳам 2022-2027 йилларда тайинланувчи пенсиялар сони ортиб бориш тенденциясига эга бўлиши кутилмоқда, бироқ прогнозда 2022 йилда тайинланувчи пенсиялар сони ҳар уччала ҳолда ҳам 2021 йилдаги кўрсаткич (330450)дан камроқ бўлади, деб башорат қилинган. 2023 йилдан бошлаб тайинланувчи пенсиялар ҳар уччала сценарий бўйича 2021 йилдагидан кўп бўлади.

Хулоса

Прогнозлардан кўринадики, 1-сценарий бўйича прогнозда 2027 йилда 432411 та, 2-сценарий бўйича эса 505415 та, 3-сценарий бўйича эса 376670 та пенсия тайинланади. Бу 2021 йилдаги кўрсаткичлардан мос равишда 31, 53, 14 фоизга кўпдир Бундан хулоса шуки, давлат пенсия таъминоти тизимини ҳам келгуси йилларда мазкур ўзгаришларга мос ҳолда ташкил этиш, бунда жамғарманинг молиявий барқарорлигини ошириш, пенсия тизими моделини ислоҳ қилиш, пенсия суғуртасини барқарор ривожлантириш бўйича зарур чора-тадбирларни амалга оширилишини тақозо этади

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йилнинг 21 ноябр куни аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш соҳасидаги устувор вазифалар муҳокамасига бағишланган йиғилишидан. <https://uza.uz/oz/posts/aholini-ijtimoiy-muhofaza-qilish-sohasida-yangi-tizim-joriy--21-11-2019>.
2. Bloom, D.E., Chatterji, S., Kowal, P., Lloyd-Sherlock, P., McKee, M., Rechel, B., Rosenberg, L., Smith, J.P. Macroeconomic implications of population ageing and selected policy responses. Volume 385, Issue 9968, 14 February 2015, Pages 649-657. The Lancet <https://www.scopus.com/record/display.uri?eid=2-s2.0-84923043346&origin=resultslist&sort=cpf&src=s&nlo=&nlr=&nls=&sid=85d20af1f9fdfa9f60444019f701f909&sot=b&sdt=b&sl=32&s=TITLE-ABS-KEY+%28pension+problems%29&relpos=8&citeCnt=223&searchTerm=>
3. Goh, S.K., McNown, R., Wong, K.N. Macroeconomic implications of population aging: Evidence from Japan. Volume 68, June 2020, Article number 101198 Journal of Asian Economics. <https://www.scopus.com/record/display.uri?eid=2-s2.0-85085145200&origin=resultslist&sort=plf-f&cite=2-s2.0-84923043346&src=s&nlo=&nlr=&nls=&imp=t&sid=070e4f7b8525503a0394752466abbfc1&sot=cite&sdt=a&sl=0&relpos=30&citeCnt=0&searchTerm=>
4. Papapetrou, E., Tsalaporta, P. The impact of population aging in rich countries: What's the future? Volume 42, Issue 1, January - February 2020, Pages 77-95. Journal of Policy Modeling. <https://www.scopus.com/record/display.uri?eid=2-s2.0-85078798801&origin=resultslist&sort=plf-f&cite=2-s2.0-84923043346&src=s&nlo=&nlr=&nls=&imp=t&sid=070e4f7b8525503a0394752466abbfc1&sot=cite&sdt=a&sl=0&relpos=49&citeCnt=0&searchTerm=>

5. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги
маълумотлари



INNOVATIVE
ACADEMY